

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

«Зоотехния» кафедраси

Бакалавриат 5620600 «Зоотехния» (тармоқлар бўйича) йўналиши

4-94 гуруҳ талабаси

Умаров Шохрух Зокировичнинг

БИТИРУВ

МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Польшадан келтирилган голштин зотиға мансуб сигирлар
авлодини парваришлаш технологияси.

Илмий раҳбар:

«Зоотехния» кафедраси

доценти қ.х.ф.н.

Акмалхонов Т.Ш.

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

Зоотехния кафедраси мудири,

доцент _____ Амантурдиев.Ғ.Б..

2014 йил «__» _____

Зоотехния факультети декани,

доцент _____ Балласов У.Ш.

2014 йил «__» _____

Тошкент 2014

М У Н Д А Р И Ж А

I. Кириш	3
II. Адабиётдар шарҳи.....	7
III. Асосий қисм.....	30
3.1« Саид Комилхон домла » фермер хўжалигига тавсиф.....	30
3.2. Таҳлил услуби, мақсад ва вазифалари.....	31
IV. Таҳлил натижалари.....	34
4.1. Хўжаликда бузоқларни асраш ва озиқлантириш.....	34
4.2. Бузоқларни ўсиши ва ривожланишини таҳлили.....	40
4.3. Бузоқларни экстеръери ва тана индекслари.....	42
4.4. Хўжаликда бузоқларни ўсиши учун озуқа сарфи.....	45
V. Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги.....	46
VI.Хулосалар.....	47
VII.Ишлабчиқаришга таклифлар.....	48
VIII.Фойдаланилган адабиётлар.....	49

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Чорвачилик – Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири, мамлакатда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг тахминан 45 фоизи унинг улушига тўғри келади. тармоқнинг асосий хусусияти шундаки, чорва маҳсулотларининг катта қисми шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилади. уларга тегишли ер участкаларининг ўртача ҳажми 0,15 гектарни ташкил қилади. қорамолларнинг 93 фоизи деҳқон.

Чорвачиликнинг асосий маҳсулоти – сут ва гўшт ишлаб чиқаришнинг ўсиши жамиятни ривожлантириш учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир.

Негаки, бу маҳсулотлар асосий озиқ-овқат гуруҳига киради ва қишлоқ аҳолиси даромадининг муҳим манбаидир, соҳа муваффақиятли ривожланганида эса экспортбоп товарлар ҳажми кўпаяди.

Чорвачиликни ривожлантириш чорва молларининг асосий қисми парвариш қилинаётган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига эга оилаларга ғоят самарали таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, деҳқон оилалари фаровонлиги фойдаланилаётган ер участкаси катта-кичиклиги эмас, балки муайян даражада чорва моллари сифати ва уларни парвариш қилишга ҳам боғлиқдир.

шунингдек, қорамол парвариш қилиш сектори деҳқон хўжаликларида чорвачиликнинг ривожланган соҳаси ҳисобланади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, чорвачилик деҳқон хўжаликларида оилада маблағ жамғариш ва уни кўпайтиришдек ўзига хос вазифани бажаради.

Тармоқдаги ислохотлар ва уни ривожлантиришга оид давлат сиёсати сўнгги йилларда чорвачиликда мамлакатда хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган чуқур

ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилгани туфайли кенг кўламли ташкилий ўзгаришлар рўй берди.

Аҳолига қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар, хўжалик ва озуқа ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ер участкалари ажратилди: чорва маҳсулотларига давлат буюртмаси бекор қилинди, наслчилик ишлари ривожланган хорижий мамлакатлардан наслдор моллар сотиб олинди, омухта ем ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган “шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 308-қарори чорвачиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. ушбу хужжатда давлат томонидан фермерларга зотдор молларни сотиб олиш ва наслчилик ишини жадаллаштиришда ёрдам бериш, ветеринария хизмат кўрсатишни ташкил этиш, аҳолининг маҳсулдор чорва молларини сотиб олиши учун микрокредитлар ажратиш, қишлоқ аҳолисининг чорва молларини парвариш қилишдан манфаатдорлигини ошириш орқали уларнинг бандлигини, даромадини, озиқ- овқат маҳсулотлари билан таъминланишини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қарорда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, қорамол боқиш ва етиштириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ва оилалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, чорва молларини боқаётган шахсларни иш билан банд аҳоли тоифасига киритиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳал этилмагани, хўжаликларни зотдор, сермахсул чорва моллари билан, омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш борасидаги ишлар қониқарсиз аҳволда, зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича инфратузилма тармоғи, шунингдек, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни микрокредитлаш

тизими яхши йўлга қўйилмагани қайд этилган.Хужжатда қуйидаги мақсадларни кўзда тутувчи 2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури маъқулланди:

2010 йилгача бўлган даврда наслчилик корхоналари ва хўжаликлари наслчиликни ривожлантириш учун республикага олиб келинадиган наслчилик материаллари, технология ва ёрдамчи ускуналарга бож тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинди.Чорвачиликни ривожлантириш стратегияси Ўзбекистон республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисидаги” 842-қарорида аниқланди ва тўлдирилди.

Бундан ташқари, ушбу Фармонга мувофиқ 2012 йилнинг 1 январигача фермер хўжаликлари ва чорвачилик фермалари – чорвачилик маҳсулотларини, жумладан, қайта ишланган маҳсулотларни сотишдан тушган тушумдан давлатнинг мақсадли жамғармалари мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди.

Ем-хашак базасини янада мустахкамлаш, чорва моллари ва паррандаларни хар хил сервитамин озиклар билан йил мобайнида узлуксиз таъминлаш бу тармокни жадал ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан хисобланади.

Хозирги вақтда чорвачилик энг сертармок сохалардан бири хисобланади.. Чорвачилик тармокларини жадал ривожлантиришнинг яна мухим омилларидан бири уларни ихтисослаштириш, концентрациялаш (йириклаштириш) ва интенсивлаштиришдан иборат. Бунинг учун мустахкам ва баркарор ем-хашак базаси яратиш ва емхашакдан унумли фойдаланиш, исрофгарчиликка йул қуймаслик, уларнинг туйимлилиги ва сифатини ошириш, айниқса таркибидаги оксил микдорини кўпайтириш,

сунъий усулда витаминлар, аминокислоталар, микроэлементлар, антибиотиклар ва устирувчи моддалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш талаб этилади. Шу билан бирга омихта ем, дондор ва брикет озиқ тайёрлаш ишларини жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эга Чорвачиликни интенсивлаштириш кўп жihatдан чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлигига боғликлиги учун аввало, наслчилик ва селекция ишларини жадаллаштириш, янги сермахсул зот ва группалар яратиш, мавжуд зотларни такомиллаштириш, дурагайлаш ишларини кенгайтириш, саноат асосида чатиштириш тадбирларини жиддийлаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чорвачиликни жадал ривожлантириш кўп жihatдан фан янгиликлари, амалиёт, илҳорлар тажрибаси, янги техника ва технологияга боғлиқ. Фан янгиликлари фермерлар учун эса, ишлаб чиқариш тармоқлари прогрессив усулда маҳсулот етиштиришида асосий йўлланмадир.

Чорвачилик йил сайин кенгайиб, бойиб бормоқда ва камолот йўлига ўтмоқда. Кейинги йилларда янги тузилган фермерларимиз яхши зотли қорамол зотларини Германия, Голландия ва бошқа жойлардан олиб келмоқда. Бундай серсут ва гўштдор сигирлардан албатта наслчилик ишларини ва сердаромад маҳсулотлар етиштиришда кенг кўламда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай насли молларни кўпайтиришда озиқ базаларини ҳам яратиш мақсадга мувофиқдир

Шуни инобатга ҳолда ҳозирги даврда юқори маҳсулдор сигирларни подасини яратишда, пода тўлдирувчи бузоқларни ўсиш ва ривожланишига шунингдек парваришлаш ва озиқлантириш каби масалаларни ҳал қилиш долзарб ҳисобланади.

II. Адабиётлар шархи

Хайвон организмнинг ўсиш ва ривожланиши процессида турли ўзгаришлар юз беради. Вазнининг катталашиб бориши, функциянинг такомиллашиши, органлар системасининг мураккаблашиб бориши шулар жумласидандир.

Организмнинг ўсиши ва ривожланишини илмий асосда бошқариш, сермахсул, тез етиладиган вакиллари етиштириш, берилган озиқ ҳисобига кўплаб сифатли маҳсулот олиш, барча турдаги озиқ парваришлаш тадбирларини маълум мақсадлар учун қўллаш ва чорвачиликда олиб бориладиган барча муаммолар кўплаб олимлар ва мутахассислар томонидан асослаб берилган, бинобарин ҳозирги вақтда барча турдаги чорва моллари ва паррандаларни исталган йўналишда бошқариш, хўжалик афзалликларини ошириш, иқлимлаштириш, ёшлигидан маълум мақсадда боқиш каби масалаларнинг барча сирлари аниқланган. Шунга кўра, ҳозирги вақтда чорвачилик фани кўплаб илмий далиллар, қонуният ва проблематик тадбирлар билан бойитилганки, улардан тўғри ва унумли фойдаланиш самарадорликни ошириш имконини беради. Хайвонларнинг индивидуал ривожланиши бир қанча умумий қонуниятларга боғлиқ.

Ўсиш организм ҳажми ва салмоғининг ортиб бориши ҳисобланади. Ривожланиш организмдаги сифат ўзгаришлари ҳисобланади. Бу процесс тухум хужайраларининг уруғланишидан бошланиб, хайвонлар қаригуча давом этади.

Хайвонларнинг ўсиш ва ривожланишига таъсир этувчи факторларнинг энг муҳимларидан бири уларнинг ирсий хусусиятидир. Бузоқларни боқиш технологияси қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади нормал ривожланган бузоқ олиш; зотини, фойдаланиш йўналишини ва хўжалик ҳамда зонанинг хусусиятларини ҳисобга олиб, бузоқларни ўстириш ва озиқлантиришнинг биологик жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ва иқтисодий

самарадорлигини таъминлайдиган режа асосида жадал боқиш; ишлаб чиқариш процесслари ва ихтисослаштиришнинг ички тармоғини комплекс механизацилаштириш асосида бузоқларни боқишнинг рационал системасини жорий этиш. Ҳар хил ёшдаги ва турли жинсдаги бузоқлар боқиш даражаси ва усулларига, асраш шароитига ҳар хил талаблар қўяди. Йирик хўжаликда бузоқ боқишда иқтисодий жиҳатдан энг самарали ҳисобланган поток системаси қўлланади. Бунда уларни боқиш ва асраш хусусиятлари турли жинс ва ёш гуруҳларга мос келади ва юқори меҳнат унумдорлигига эришилади.

Ёш бузоқларни мақсадга мувофиқ боқишда ишлаб чиқариш процессларини хўжаликлараро тақсимлаш ва пода тўлдириладиган бузоқлар боқиладиган ҳамда ортиб қолган бузоқлар гўштга топшириш учун бўрдоқига боқиладиган ихтисослаштирилган йирик хўжаликлар ташкил этиш кўзда тутилади.

Ҳайвоннинг ёшига боғлиқ равишда ҳар хил тўқима ва органларнинг ривожланиш хусусиятлари, боқиш интенсивлиги ва асраш шароити ёш молларнинг парвариш қилишнинг рационал системасини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, ёш молларни ўстириш режаси тузилади. Бузоқларни ўсиш жадаллигига ва вазни ортиши даражасига кўра, ҳар хил ёшида қуйидаги боқиш системалари қўлланилади: Ўстириш режасига кўра жадал боқиш, бунда бузоқлар ёши ортиб боришига кўра қўшимча вазнининг аста-секин пасайиб бориши кўзда тутилади.

1. Бузоқларни ҳаётнинг дастлабки уч ойида меъёрида боқиб, бундан кейинги ёшида улардан юқори даражада қўшимча вазн олиш.
2. Бузоқларни 1.5 ёшгача секин ўстириб, ғунажинларни яхшилаб боқиш. Бу усул асосан Швецияда қўлланилади.
3. Бузоқларни ҳар хил даражада қўшимча вазн ортириб яъни йил мавсумига кўра боқиш. Бунда яйловда боқиш даврида қўшимча вазни энг кўп ортади, оғилда боғлаб боқилганда эса меъёрида бўлади.

Серсут ва серсут-гўштор зот бузоқлар туғилганидан 12-18 ойлик бўлгунча тирик вазнининг ортиш коэффиценти ўсиш жадаллигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Жадал усулда уларни шундай боқиш керакки, яъни 12 ойлик бўлгандаги тирик вазни туғилгандаги тирик вазнига нисбатан 8 марта, 18 ойлигида 12 марта ортиқ бўлсин. Бузоқларни боқиш ва парвариш қилиш қорамол подасини соғлом, сермахсул сигирлар ва юқори кўрсаткичка эга бўлган бақкуват наслдор буқалар билан тўлдиришда муҳим аҳамиятга эга. Умуман, бузоқлар ҳар бир ферманинг йўналиши, етиштириладиган маҳсулот тури ва ишлаб чиқаришнинг конкрет мақсади ҳамда шароити ҳисобга олинган ҳолда боқиб парвариш қилинади.

Биринчи усул-бузоқларни ажратиб боқиш. Бу усул асосан барча сут-товар фермаларида қўлланиладиган прогрессив усул ҳисобланади. Бунда бузоқлар туғилганидан сўнг 5-10 кун давомида ўз онасининг оғиз сутидан баҳраманд бўлади.

Сўнгра улар махсус катакларга олинади ва группалаб боқилади. Оғиз сути биринчи марта бузоқлар туғилганидан кейин 1-2 соат ўтгач 1-1.5 кг миқдорда берилади. Уларни озиклантиришдан олдин лаблари, бурун ва юзи яхшилаб артилади. Янги туғилган бузоқларга дастлабки кунлари оғиз сути махсус резинка сўрғичлар ёрдамида кунига 5-6 марта берилса, сўнгра кунига 4 марта аниқ белгиланган вақтларда (кун тартиби асосида) берилади. Бунда бузоқлар ҳамма вақт бир хил миқдордаги сутни якка ҳолда олиши мумкин. Бериладиган оғиз сути ёки соғиб олинган сутнинг температураси 37 градус, тоза ва сифатли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агар бузоқлаган сигирнинг елини касал бўлса ёки сутининг сифати талабга жавоб бермаса, у ҳолда бир вақтда тукқан ёки туғишига кўра бир-икки кунга фарқ қилган сигирларнинг сути ичирилади. Бузоқларга туғилган куни 5-7 кг атрофида оғиз сути ичирилиши яхши натижа беради. Беш кунлик бўлганда 6-10 кг гача кўпайтириш мумкин. Умуман, беш кун ичида уларга 30-45 кг оғиз сути ичирилса, ҳар томонлама яхши натижа беради.

Бузоқларни кўп миқдорда, фақат сигир сути билан боқиш иқтисодий жиҳатдан унча кўп фойда келтирмайди. Бинобарин, уларни сунъий сут, серсув ва дағал озиқлар билан таъминлаш иқтисодий самарадорликка эришишда анчагина афзалликларга эга. Бундай тадбирларни бузоқлар туғилганидан сўнг учинчи декададан бошлаш лозим. Бунинг учун бериладиган сигир сутининг миқдори оз-оздан камайтирилиб, унинг ўрнига ёғи олинган сут ва сунъий сут миқдори камайтирилиб борилади.

Иккинчи усул-ажратиб эмиздириб боқиш. Бу усул энг қадимги усул бўлиб, бунда сигирни соғишдан олдин, соғиш вақтида ва сут соғиб бўлингач, ёнига бузоғи қўйиб юборилади. Сигири бўлган барча хонадонлар ҳам шу усулда бузоқ боқадилар ва парвариш қиладилар. Бу усул ҳозирги вақтда хўжаликларда деярли қўлланилмайди.

Учинчи усул-бузоқлани эмизувчи бошқа (энага) сигирларга бириктириб боқиш. Бунинг учун ўз оналаридан ажратиб олинган бузоқлар 2 тадан 4 тагача қилиб, машина ёрдамида соғишга яроқсиз ёки қари сигирларга бириктириб қўйилади. Бузоқлар ўз “энагасини” 2-3 ой мобайнида эмиб ўсади ва ривожланади. Бириктириладиган бузоқлар сони “энага” сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боғлиқ. Шундай қилиб, сут маҳсулдорлиги 3000-3500 кг бўлган сигирлар бир лактация даврида 8-10-12 та бузоқни эмиздириб, улар бақувват ва соғлом ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Бу усул кўплаб хўжаликда қўлланиб келмоқда.

Тўртинчи усул-бузоқларни оналарига узлуксиз эмиздириб боқиш. Бу усул асосан гўшт йўналишидаги қорамолчиликда қўлланилади, бунда сигирлар деярли соғилмайди. Подая шароитида ёш бузоқлар 6-8 ойлик бўлгунча фақат онасини эмиб ривожланади. Агар талаб этилса ва сигир сути икки бузоқ учун етарли бўлса, бир сигирга иккита ёш бузоқни ҳам бириктириб боқиш тавсия этилади. Шундай қилиб, бузоқларни боқиш, парвариш қилиш ва ривожлантириш усуллари ҳар бир хўжаликнинг

махсулот йўналиши ва ишлаб чиқариш технологиясига кўра қўлланиши кўплаб ижобий натижа беради.

Келтирилаётган адабиётлар тахлили шуни кўрсатадики хайвонларнинг индивидуал ривожланиши бирқанча қонуниятлар бўйича ўсади ва ривожланади. Бунинг асосида хайвонларни мақсадли боқиш услубларини қўллаш учун имкон яратади. Хайвонлар ривожланиш даврида озиклантириш ва парваришlash шароитларини яхшилаш, келажакда улардаги юқори махсулдор хайвонлар олиш мумкин.

Шундай қилиб, бузоқларни боқиш ва парваришlashнинг бир қатор усуллари бўлиб уларни хўжалик шароитидан келиб чиққан ҳолда тадбиқ қилиш каттааҳамиятга эга. Бунинг натижасида бузоқлардан келажакда юқори кўрсаткичларга эга бўлган наслдор буқалар ва серсут сизирлар етиштирилади

Таначаларнинг ўсиши, ривожланиши ва махсулдорлининг боқиш усулига боғлиқлиги Бузоқларнинг нормал ўсиши, ривожланишида ва юқори махсулдор бўлишида боқиш-парваришlash шароитлари катта аҳамиятга эга. Боқиш шароитлари ички аъзолар ва тўқималарнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Бу модда алмашувининг интенсивлиги ва йўналиш учун шарт-шароит яратади. Шунинг учун молларни қимматли озиклантириш билан бирга соғлом бўлишини, улар яшайдиган ва махсулот берадиган шароитга мослашиб, юқори махсулдор сизир бўлиб ўсишини таъминlash керак.

Ихтисослаштирилган хўжаликларда подабоп таначалар ўстиришда сут ичириш даврида уларни боқиш усуллари алоҳида ўрин тутди. Бирок бузоқни сут ичириш даврида боқиш усуллари борасида турли тадқиқотчилар турлича фикр айтишмоқда.

Бузоқларни индивидуал каттакларда 3 ойликкача (яратишга чиқармаган ҳолда) боқиш молларнинг организмга таъсир қилмайди. Бу-саноат комплекси шароитларида бузоқларни профилактик сақлашнинг

узайтирилган давридир. Ж. Рой подпбоп бузоқларни интенсив ўстиришда 3 ойлик ёшигача тор габаритли (120x45x100см) якка катакларда боқишни тавсия этади. А.С. Всяких, Г.С. Исаев ва С.П. Яколевлар ҳам бузоқларни 3 ойликкача тор габаритли (120x45x100см) индивидуал катакларда асрашни тавсия этадилар. Уларнинг маълумотларига қараганда, ихтисослаштирилган “Ардимский” хўжалигида бузоқ ўстиришнинг қуйидаги технологияси қўлланмоқда.

Қора-ола ва симменталь зотларига мансуб таначалар шаҳар тевараги зонасидаги хўжаликлардан 10-15 кунлигида қабул қилинади. Улар комплекс белгилари бўйича камида II класс сигирлардан олинади ва 3 ойликкача индивидуал катакларда боқилади. Катакларнинг полиметалдан ясалган тирқишли планкали бўлиб, планкаларнинг эни 20мм, тирқишлари 13мм қилинади. Катаклар охурчалар учун тутқич эшикчаларга монтировка қилиб жихозланган. Катакларнинг олдинга қисмида икки томондан ажраткич тўсиқлар бор. Шу боисдан бузоқлар қўшни катакларга жойлаштирилганлар билан мулоқатда бўлмайди. Орқа ва олд эшикчалар очилади ва бузоқ ёнига бемалол кириш мумкин бўлади. Бузоқларни яйратиш майдончасига чиқармаган ҳолда алоҳида катакларда боқиш туфайли, турли хўжаликлардан тўпланган таначаларнинг касалланиши кескин камайди. Авторларнинг маълумотларига қараганда, бузоқлар алоҳида катакларда боқишга ўтказилганда уларнинг касалланиши 8,6% гача камайди, меҳнат умумдорлиги эса икки барабардан зиёдроқ ошди. Авторларнинг фикрича, индивидуал катакда боқишнинг энг муҳим афзаллиги шундаки, бунда биринчидан, бузоқлар бир-бирларини сўра олмайди, иккинчидан, юқумли касаллик тарқалиш имконияти камаяди. Бироқ, бу метод асосида боқишнинг камчилиги бузоқнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун жуда зарур бўладиган моционнинг йўқлигидир. В.Ф. Красота ва В.Т. Лобановлар эса бузоқларни сут ичириш даврида индивидуал катакларда сақлаш муддатини 2 ойгача қисқартиришни таклиф

этишади. Бузоқаларнинг тор гарбаритли катакларда туриш муддатлари уларнинг физиологик ҳолатига ҳамда ўсиши ва ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, тор габаритли катакларда 10 кун сақланган таначалар улардан чиқарилганда суткасига ўртача 851,5 грамдан эт қўшди ва биронтаси касалга чалинмади. Шундай катакларда 20 кун сақлангани улардан чиқарилганда вазнинг ўртача суткалик ошиши 486.7 грамни ташкил этди, лекин таначаларнинг 17%и касалланди, бу катакларда 30 кун боқилганлари суткасига ўртача 502,6 грамдан эт қўшди-ю, 36,4 проценти касалга чалинди.

Бу тажрибалар шундан далолат берадики, организмини табиий бардошлилиги ривожланган, жуссаси манзур бўладиган юқори махсулдори сигирлар этиштириш учун тўла қимматли озиклантириш билан бир қаторда очик ҳавода мунтазам узоқ яйратиб бузоқ ўстиришни кенг қўллаш зарурдир. Ана шундай режимда боқилга бузоқлар ташқи муҳитнинг ўзгариб турадиган омилларига нисбатан чиникиб ўсади, уларнинг ички аъзолари яхши ривожланади, соф ҳавода давомли яйратилмай ўстирилган молларга қараганда жуда сермахсул бўлади.

Подобоп бузоқларни 15 кунлигидан 3 ойлик ёшгача боқиш. Бузоқларни 3 ойлик ёшгача ўстириш учун ихтисослаштирилган хўжаликнинг санитария-карантин биносида бузоқ қабул қилиш, чўмилтириш, қуритиш ва тарозида ўтказиш бўлимлари бўлиши керак.

Таъминловчи хўжаликлардан келтирилган бузоқлар ветеринария кўригидан ўтказилади. Улар тарозида тортилади, душ остида чўмилтирилади ва махсус камерада қуритилади. Шундан кейин санитария-карантин биносига ўтказилади.

Ўзбекистоннинг ихтисослаштирилган хўжаликларида подобоп бузоқларни 3 ойликкача группали катакларда 15-18 тадан боқиш тавсия этилади. Бу, сут ичириш даврида бузоқ боқишнинг энг рационал усули ҳисобланади.

Бу даврдаги бузоқларга мўлжалланган бинолар тежамли ҳамда замонавий механизация воситалари ва технологик жихозларни қўллаш учун мос бўлмоғи шарт. Бундан ташқари, улар қуруқ, ёруғ ва зоогигиена талабларига жавоб берадиган бўлмоғи керак.

Қуйидаги параметрлар мавжуд бўлгандагина бузоқхона микроклими мақбул ҳисобланади:

ҳаво ҳарорати (C)+15-17

ҳавонинг нисбий намлиги (%)-70

ҳавонинг ҳаракат тезлиги (м/сек)-0,05-0,20

карбонат ангидрит газининг миқдори (%)-кўпи билан 0,15-0,20 аммиак миқдори (мл/л)-кўпи билан 0,02

Агар микроклимнинг ҳақиқий параметрлари мазкур нормативлардан ортиқ бўлса, бузоқлар ўзларини ёмон ҳис қилади, иштаҳасини йўқотади, уларда касалликка нисбатан кўрсатиладиган қаршилик сусаяди. Қиш даврида ультрафиолет нурлантириш бузоқларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга кальций ва фосфор алмашини нормаллашади ва бузоқлар рахит касалига чалинмайди. Бунда люминисцент лампалардан фойдаланилади. Мосламларни махсус тутқичлар ёрдамида бинонинг шипига полдан 2,5м баландликка осилади, бунда моллар етарлича ва имкони борича текис нурланиши ҳисобига олинади. Мосламларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда нурлантиришнинг кундузги доза нормаларига амал қилинади. Бинонинг ҳар 1м² майдонига тахминан 1-2 ватт лампа қуввати тўғри келиши керак. Нурлантириш суткаси 6-7 соат давом эттирилади.

Қиш вақтида эшиклар очилганда кўп ҳаво бузоқхонага кирмаслиги учун, уларга йўлак (дахлиз) қуриш тавсия этилади.

Группали катаклардаги полдан сийдик оқиб тушиши учун у гўнг ариғи томон нишбали бўлиши керак.

Группали катакларда бузоқларнинг таналари ифлосланмаслиги учун охурчаларнинг карама-қарши томонини бокс қилинади. Бузоқларнинг хордиқ чиқариши учун бокслар куруқ жойда яратилади. Уларни ён томондан тўсиқлар билан ажратиб қўйилади. Боксларнинг ўлчамлари молнинг катталигига мос келиши керак. Агар профилактика давридан кейин бузоқларни бокслари билан бирга дархол группали катакларга ўтказиладиган бўлса, у тақдирда кенглиги 50см ва узунлиги 100-110 сантиметрли индивидуал бокслар қилинади. Шундай ўлчамдаги боксли катакларда бузоқлар 3 ойликкача туғилади, шундан кейин улар катта ёшли таналар боқиладиган секцияга ўтказилади.

Бузоқларни группалаб боқиш қўлланганда сут ичириш учун группали сув ичкичлар ишлатилади ёки группалаб эмизиш мосламаси жихозланган УВТ-20, АВТ-15 (20) маркали стационар қурилмалардан фойдаланилади.

3 ойликдан 6 ойликкача бўлган подабоп бузоқларни боқиш. Сут ичириш давридан кейин бузоқлар группали методда боқилади. Бу даврда бузоқ группалари ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилади. Группадаги айрим бузоқларнинг ёшидаги фавр бир ойдан ошмагани маъқул. Лекин группадаги бузоқлар ўртасида ёш ва тирик вазн жихатидан фарқ нечоғлик кам бўлса, улар шу қадар яхши ривожланади. Группага бузоқ хиллаш принципи бузилиши оқибатида кучли бузоқлар заифларини охурчадан суриб четлашиши мумкин. Бунинг натижасида анча катта ёшдаги ва кучлилари нисбатан интенсив, заифлари эса суст ўсади ва вазни камлиги туфайли анча катта ёшда уруғланади.

Группада 3 дан 6 ойликкача энг кўпи қанча бузоқ бўлиши бинонинг майдонига, қабул қилинган боқиш технологиясига, ихтисослаштирилган хўжаликда шу ёшдаги бузоқлар бошига боғлиқдир. Бу даврда группали катакларда 15-20 бошдан бузоқ тутилади, ҳар бир таначага 2-2,5м² пол тўғри келиши, озиклантириш узаласи 0,4-0,5м бўлиши керак.

Ўзбекистоннинг жазирама иссиқ иқлим шароитларида подабоп таначалар ёз фаслида очик хавода бостирмалар остидаги группали катакларда боқилади. Хар бош таначага 3м^2 пол тўғри келиши керак.

Таначалар қиш мавсумида боқилганда хонадаги харорат $+15$, хавонинг нисбий намлиги 70% , карбонат ангидрид газы кўпи билан $0,25\%$, аммиак- $0,02\text{мг/л}$, хавонинг харакат тезлиги- $0,3\text{м/сек}$ бўлиши лозим.

Агар ихтисослаштирилган хўжаликда бузоқларни бинода бошбоғсиз-боксда боқиш кўзда тутилган бўлса, у такдирда панжарали пол қўлланади, гўнглаз кучли воситалар ёрдамида чиқарилади. Боксларнинг тахминий ўлчамлари бундай бўлиши керак; узунлиги $120-130\text{см}$, кенглиги 60см , тўсиқларнинг баландлиги $80-100\text{см}$.

6 ойликдан 12 ойликкача бўлган подабоп таначаларни ўстириш.

Таначалар группалаб ёки бошбоғсиз (боксли) боқилади. Боксларнинг ўлчамлари: узунлиги $140-150\text{см}$, кенглиги 70см , тўсиқлар баландлиги $80-100\text{см}$.

Битта катакда 15 дан 20 бошгача танача боқилади. Бир бош таначани озиклантириш узаласи $0,45\text{м}$. Гўнглаз кучли воситалар ёрдамида чиқарилади.

Шу ёшдаги таначалар боқиладиган биноларнинг микроиқлим параметрлари: хаво харорати $+12-16\text{С}$, нисбий намлиги 75% , карбонат ангидрид газы миқдори кўпи билан $0,25\%$, аммиакники-кўпи билан $0,02\%$, хавонинг харакат тезлиги- $0,5\text{м/сек}$.

Қиш даврида бинони иссиқ хаво берадиган электро-калориферлар ёрдамида иситиш лозим. Ифлосланган хавони чиқриб туриш учун биноларга вентиляторлар ўрнатилади. Биноларнинг узаласига қаратиб яйратиш майдончалари қурилади. Уларнинг қаттиқ поли хар бош танага $3-4\text{м}^2$ дан тўғри келиши керак. Моллар яйратишаг дарвозалардан чиқарилади.

Ўзбекситон шароитида ёзги мавсумда таначалар бостирмалар остидаги группали катакларда асралади. Озиклантириш ишлари баракали

тарқаткичлар ёрдамида бажарилади. Гўнг ғилдиракли бульдозер ёрдамида бажарилади. Моллар АГК-4А маркали группали автопоилкалардан суғорилади.

12 ойликдан 18 ойгача бўлган подабоп таначаларни боқиш. Таначалар группалаб ёки бошбоғсиз (боксли қилиб) боқилади. Боксларнинг ўлчамлари: узунлиги 160-170см, кенглиги 90-90см, тўсиқларнинг баландлиги 90-100см. Моллар группада 20-25 бошдан тутилади, ҳар бош таначага 3-4м² пол тўғри келади. Озиқлантириш узаласи 0,5-0,6м. Гўнг баракали воситалар ёки дельто-скреперли мосламлар ёрдамида чиқарилади. Республикамизнинг ҳар хил вилоятларида шу жойнинг иқлим шароити, географик муҳити ва қайси йўналишдаги қорамолчилик хўжалик учун кўпроқ самарадор эканлигини ҳисобга олиб, муайян ўлка районлаштирилган қорамол зотлари урчитилади. Бу зотларни вояга етган пайтдага тирик вазнига қараб 3 гуруҳга бўлинади: 1 гуруҳ – 400-500 кг, 2 гуруҳ - 500-550 кг, ва 3 гуруҳ - 600-650 кг тирик вазндаги сигир зотлари. Хўжаликда парваришланаётган зотиинг биологик хусусиятлари ва улардан олинган бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини яхши билган ҳолда турли гуруҳдаги сигирлардан олинган бузоқлар учун ўстириш режалари тузилади.

Ўсиш турли зотларда уларнинг тез етилиувчанлигига қараб, 4-5 ешгача давом этади. Сигирлар максимал оғирликка эса 6-7 ешида эришадилар.

Бузоқлар туғилгандан сўнг ҳаётида бир неча ўсиш ва ривожланиш босқичларини бошидан кечирадилар. Улар кўйидагилардир: 1. Янги туғилган давр (оғиз сут ичадиган давр) 10-15 кунлигигача. 2. Сут эмиш даври 5-6 ойлик ёшигача. 3. Сут эмиш давридан сўнгги давр булиб, бу жинсий етилиш, навқиронлик, функционал фаолиятининг сермахсул даври ва қарилик сингари ривожланиш босқичларидир. Бузоқларни ёшлигидан бошлаб олдиндан мўлжалланган мақсадни кўзлаб озиқлантириш билан уларнинг экстерьер ва конституция турларини ҳамда махсулдорлик кўрсаткичларини ҳам ўзлаштириш мумкинлиги ҳақида зоотехния фанининг асосчиларидан Е.Ф.Лискун (1961) , Н.П.Кулешов

(1949), Е.А-Богданов (1947) лар ёзган эдилар. Айнан, ёш ҳайвоиларни мўл-кўл боқиш кераклигини таъкидлаб, бунда алоҳида сараланган пода хусусиятларини ҳисобга олиш кераклигини уқтиради.

Ёш бузоқларни мақсадга мувофиқ парваришлаш ва озуклантиришда, келгусида гўшт учун ўстирилатган, насл учун ва товар фермаларидаги бузоқларни боқининг алоҳида хусусиятлари бор. Бузоқларни биринчи 6 ойлигида жадал ўстириш асосан сут ҳисобига боради. Сут инсон учун жуда қимматли озуқа бўлганлигидан уни бузоқларга тежаб сарф қилиш усуллари ҳам ишлаб чиқилган. Англия, АҚШ, Канада сингари чорвачилик юқори савияда ривожланган мамлакатларда бузоқларни биринчи 3 ойлигида кунига 450-500 г. семиртириш кўзда тутилади. Ундан сўнг эса ўсимлик маҳсулотлари билан жадал боқилади. Маълум вақт мобайнида озуканинг танқислигидан ўсишдан қолишни, келгусида мўл-кўл рационлар билан боқиш эвазига жадал ўстириб ўрнини тўлдиришга ўсишни компенсация қилдириш дейилади. Узоқроқ вақт мобайнида ва кўп миқдордаги ўсишдан орқада қолишни тўлиқ компенсация қилиб бўлмайди.

Вақтинчалик ўсишдан орқада қолишни кейинчалик компенсациялаш усуллари бузоқларни боқишда кенг қўлланилади'.

Кейинги йилларда бузоқларни боқишда биринчи ой рацион тўйимлигини 70%, 2 ойда 130% қилиб озуклантириш усули (Н.И.Клейменовнинг, 1989)¹ айтишича, бузоқларнинг ўсиш за ривожланишига ҳамда озукани ҳазм булишига ижобий таъсир этган.

Гўшт учун парваришланаётган бузоқларни боқишда эса ҳар доим юқори кунлик семиртиришига эришишни кўзда тутиш керак. Эливерларда насл учун парваришланаётган буқачаларни боқишда ҳар хил зотларнинг биологик хусусиятлари ҳисобга олинади ва 16 ойлик ёшида буқачалар тирик вазнини 380 кг, 450 кг еки 500 кг га етказишни мўлжаллаб, алоҳида озуклантириш ва ўстириш режалари тузилади.

Бузоқларни янги туғилган даврида боқиш. Бузоқлар онасидан туғилган даврида организмда жуда катта ўзгаршилар рўй беради ва янги туғилган бузоқ ташқи муҳитга мослашиши керак. Яъни; уларда қон айланиш тизими янгидан изга тушади, улка орқали нафас олиш ўз фаолиятини бошлайди. Шу билан бир вақтда озуқа ҳазм қилиш (огиз сутини) аъзолари ҳам ишга тушади.

Янги туғилган бузоқни кулоқ, бурнини шилимшиқ моддалардан тозалаб киндигини кесилган жойини дезинфекцияланади. Жунларини эса онасига ялатиб еки тоза сочиқ (иложи булмаса похол) билан артиб қуритилгандан сўнг профилакторияларга ўтказилади ва кипик похол тўшама солинган алоҳида қафасга жойлаштирилади ва бу ерда огиз сути ичиш даврида (10-15 кун) сақланади. Профилактория ёрут, курук, яхши шамоллайдиган хона бўлиши керак. Янги туғилган бузоқ умуман иммунитетсиз туғилади. Улар огиз сути орқали иммунитет моддаларини оладилар. Огиз сутининг биринчи лўқмасида 16,9%, 12 соатдан сўнг 9% ва 24 соат утгандан сўнг эса 2,6% альбумин ва глобулин оқсиллари бўлади (Н.И.Клейменов ва бошқалар, 1989.), (организмни иммунитет моддаларий билан таъминлайдиган оқсиллар) учрайди. Шунинг учун бузоқ иложи борица огиз сутидан биринчи соатларда баҳраманд бўлиши керак.

Маълум бўлишича огиз сутини ичмаган бузоқлар қон зардобиди гамма-глобулинлар миқдори биринчи 10 кунлигида 0,02-0,06 г/% дан ортмаган, Огиз сути ичган бузоқларда эса ўртача 1,57 г.% бўлади. Янги туққан сигирларни елини тоза ювиб артилгандан сўнг ҳар сўргичидан бир оздан, сут алоҳида идишга соғиб олинади (сўргич йулларидаги бошлангич сут бир оз- туриб қолгаштигидан унда микроорганизмлар кўп бўлади, бу эса касаллик туғдириш мумкин). Сўнгра бузоқларни онасига эмизишга қуйилади ёки сигирларни сутини соғиб олиб бузоқларга ичирилади.

Турли хўжаликларда бузоқларни парвариш қилишнинг ҳар хил усуллари қабул қилинган. Баъзи хўжаликларда бузоқни умуман эмизишга қўйилмай, соғиб олинган сут билан боқилади. Бошқаларда эса биринчи 10-15 кунда бузоқларни онасига эмдириб парваришланади. Бу усулда бузоқлар бу даврда онаси билан бирга туради ва ич ўғар касалликларига деярли чалинмасдан соғлом ва яхши ўсиб ривожланади. Она сигирларда эса елин шишиш касаллиги учрамайди. Бунда сигирларни бузоқлари эмиб булгандан сўнг қолган сути соғиб олинади.

Бузоқларни энага сигир ёрдамида ҳам эмдириб боқиш усуллари қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда бузоқлар ўз онасининг сугидан 5-7 кун эмгандан сўнг энага сигир сутига кўчирилади.

Янги туғилган бузоқлар иссиқ вақтларда туғилганда 30-40 дақиқадан сўнг ўзлари оёққа турадйлар, иштаҳалари яхнш бўлади ва сўриш рефлекслари уйғонади. Қиш фаслларида нам ва совуқ бинода туғилган бузоқлар махсус термо қафасларда 20-24°C да баданци куритилса, уларнинг тана ҳарорати 2 соат ўтгандан сунг жуда оз-микдорда пасайган ва 6 соат ўтгач у меъёр даражасигача кўтарилади.

Айрим хўжаликларда бузоқларни қиш ҳавосида ҳам ташқарида совуқда сақланади. Бу усулни дастлаб "Караваево" наслчилик заводида қўлланилган эди. Бу буюқларга ичиршшш сут микдорини 20-25% га кўпайтириш керак. Профилакторийларда бузоқларни сақлайдиган қафасларнинг турлари кўп. Кейинги йилларда бузоқларни сақлаш учун икки хонаданиборат (дам олиш хонаси ичкарида), буйи узуи, алоҳида қафаслар ҳам қўлланилмоқда. Бу қафаснинг даҳлизчасида бузоқлар озукланадилар ва бир оз рацион оладилар ҳамда қуёш нуридан (ултрабинафша нур) баҳраманд бўладилар.

Оғиз сутини соғиб ичилгаида сут ҳарорати 35-37°C дан наст бўлмаслиги керак.

Р.Хамракулов(2000) янги туққан сигир юқумли касалликларга чалинган бўлса еки ўлиб қолса унинг бузоғини бошқа янги туққан сигирнинг оғиз

сути билан боқилади. Агар бунинг иложи бўлмаса сунъий оғиз сути тайерлаб бериш керак, Бунинг учун тоза ичимлик суви яхшилаб қайнатилади ва уни 40-. 50°C гача совутилгандан сўнг 1 л га 9-10 г. ош тузи қўшиб уни аралаштиринади. Буни устига соглом товукнинг 2 та янги тухумини чақиб яна аралаштирилади. Ҳосил қилинган бу аралашмадан бузоқларнинг 1 кг тирик вазни учун 1 ҳафта мобайнида 8-10 мл дан сут эмизиш пайгадан 30 минут олдин ичирилади. К.Карибаев (1999) янги туғилган бузоқнинг тирик вазни 30 кг булса уига ҳар сафар 250-300 УзЧИТИ усулда тайерланган сунъий оғиз сутидан биринчи 7 кун мобайнида ичириш керак. Товуқ тухуми биокимевий хусусияти ва физиологик таъсири жиҳатидан ҳар томонлама оғиз сутига яқин ва уни урнини қоплаш хусусиятига эга. Бундан ташқари бу бузоқларга соглом ва тўла қимматли рационлар билан боқилган сигирдан янги соғиб олинган сут ичирилади. Бузоқлар янги туғилган пайтида она сутини эмишлари керак ёки заводларда тайерланадиган сўргичлар орқали сут ичирилади. Агар сўргични тсшиклари катталаштирилган бўлса ёки бузоқларга сут оддий челақлардан ичирилса улар қийналмасдан катта-катта қултим қилиб сув сингари ичадилар. Бунда сут катта қоринга тушади ва ширдон боргунча ачиб улгуради, оқибатда ич ўтар касаллигига олиб келади. Яйратишга 7 кунлигидан бошлаб чиқарилади. Қишда тозаланган ва охирларга барра пичан солинган яйратиш майдончаларига чиқарилади. Ёзда эса иложи бўлса уларни катта ёшдаги моллар боқилмаган ва кўп йиллиқ усимликлар экилган махсус яйлов пайкалларга чиқариб яйратган маъқулдир.

Шундай қилиб бузоқлар 10-15 кун мобайнида айрим ҳолларда эса 25 кунлигигача профилакторияларда сақланади. Сўнг умумий бузоқхоналарга қўчирилади. **Жадал ўстиришнинг сут махсулдорлигига таъсири** Юқори махсулдор серсут сигирлар ўстиришда ўстириш муддатини қисқартириш катта аҳамиятга эга. Бунда меҳнат ва маблағ сарфлари анча камаяди, пода айланмаси жадаллашади, моллар сут махсулдорлигини кўпайтириш

йўналишида такомиллашади ва натижада чорвачилик тармоғининг иқтисодий самарадорлиги ошади.

Пода тўлдирувчи бузоқларни интенниси ўстиришда тирик вазн асосий мезон ҳисобланади. Тирик вазнга қараб бузоқнинг ривожланиши ва унинг маҳсулдорлик имкониятлари тўғрисида фикр юритилади. Молларнинг тирик вазни ошишига озиқлантириш даражаси алоҳида таъсир кўрсатади. Озиқлантириш даражасининг қорамол бузоғига, унинг аъзолари ва тўқималари ўсишига, организмда кечадиган модда алмашинувига жуда катта ва ҳар томонлама таъсирини ҳисобга олган кўпгина тадқиқотчилар бу масалаларга кўп йиллар давомида қизиқиб келмоқдалар.

Илмий тадқиқотлар турли зотларга мансуб моллар устида, турли вақтларда ҳамда ҳар хил табиий-иқлим зоналарида олиб борилган бўлишига қарамай, қорамол бузоғини озиқлантириш даражаси молларнинг ўсиш интенсивлигига, гавда тузилиши типига ва тез етилувчанлигига таъсир қилади. Интенсив даражада ўстирилган таналарда жинсий етилиш тез бошланади, уларда гавда тузилиши индексларининг кўрсаткичлари жуда юқори бўлади.

Таналарни жадал ўстириш йўли билан ривожланган, йирик жуссали, тез етиладиган ва юқори маҳсулдор сигирлар олинмоқда. Бироқ серсут зот таналар ўстириш даражаси тўғрисида қарама-қарши фикрлар тез-тез учраб туради. Бу борада бир хил тадқиқотчилар мўл-кўл озиқлантириш юқори маҳсулдор моллар ўстиришнинг асоси, деб ҳисобласалар, бошқалар ўстирилаётган бузоқларни мўл-кўл озиқлантириш кейинчалик уларнинг серсутлигини сусайтириб қўйади ва гўшт типигаги мол яралишига ёрдам беради, дея таъкидлашади.

Тадқиқотчи Л.К. Эрнст бузоқ ўстиришда оптимал даражада озиқлантиришни ўрганди. Тажриба қора-ола зотга мансуб 10 жуфт эгизак бузоқ устида олиб борилади, улар аналоглар принципи бўйича икки гурппага бўлинди. 3-4 ойлик бузоқларнинг 1 гурппаси биринчи

болалашгача интенсив ўстирилди, II группдагилар маромида озиқлантирилди. Болалашдан кейин биринчи туққан ғунажинлар махсулдорлигига қараб озиқлантирилди.

I группдаги 6 ойдан 12 ойликкача бузоқларга 852 озиқ бирлиги ва 96кг хазмланадиган протеин, 13 ойдан 18 ойликкача-1015 озиқ бирлиги ва 107кг хазмланадиган протеин сарфланди. II группдаги ёши 6 ойдан 12 ойгача борган молларга 556 озиқ бирлиги ва 59кг ларига 632 озиқ бирлиги ва 61кг хазмланадиган протеин, 19 ойдан 24 ойликкача бўлган таналарга шунга мувофиқ равишда 645 озиқ бирлиги ва 71кг пртеин сарф қилинди. Мўл-кўл озиқлантириб ўстирилган ғунажинларнинг болалаш олдидаги тирик вазни 557кг маромида озиқлантирилагани 466кг келди.

Бузоқ ўстириш даражасидаги фарқ ўстирилган (биринчи туққан) ғунажинларнинг махсулдорлигига жиддий таъсир кўрсатмади. Сигирларнинг сутдаги ёғ ва оқсил миқдорида ҳам жиддий таъвофут қайд этилмади.

В.А. Ивановнинг ёзишича, жуда вазмин тирик вазнга эришиш орқасидан қувиб молларни узоқ вақт уруғлантормаслик, яъни куйикишни ўтказиб юбориш натижасида уларнинг урчиш хусусияти сусайиши мумкин. Унинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, дастлабки уруғлантиришда таналарнинг ёши (уларнинг тирик вазнига қараганда) уруғланишига катта даражада таъсир кўрсатади, чунончи, биринчи уруғлантиришдан кейин 20 ойликкача бўлган ғунажинларнинг қочиши хўжалик бўйича ўртача 68,7%ни, 20 ойликдан ошганларнинг қочиши 2,81%ни ташкил этди.

Тадқиқотчининг қайд этишича, мазкур икки омилни ҳисобга олиб, қора-ола зотнинг ёши 18 ойликкача борган, тирик вазни камида 350-375кг тош босадиган ғунажинларни уруғлантириш мақсадга мувофиқдир. Тирик вазни кам ғунажинлар уруғлантирилганда уларни буғозлик даврида обдон озиқлантириш зарурдир. Бу чора сут махсулдорлигини шакллантиришга

қаратилган илгариги ўстириш даврининг салбий таъсирини анча бартараф этиш имконини беради.

Таналарни интенсив ўстириш фақат муддатинигина қисқартириб қолмай, сигирларнинг сут махсулдорлигини оширишга ҳам имкон беради. Қочишгача ва бўғозлик даврида мўл-кўл озиқлантириш йўли билан интенсив ўстирилган таналардан соғилган сут миқдори 2-2,5 ой давомида мўл-кўл озиқлантириб ўстирилган таналарга нисбатан 1711кг кўп сут берди.

Шуни қайд этиш керакки, таналарни интенсив ўстиришда бир ёш ва ундан ошган молларни мўл-кўл озиқлантириш йўли билан барвақт уруғлантириш зарурдир. Бу ҳолда озиқли моддаларнинг бир қисми хомиланинг ривожланишига, кейинчалик эса сут синтезлашга сарфланади ва шу тариқа тана мойланиб семириб кетмайди.

Бироқ, бизнинг фикримизча, бунда зот хусусиятини ҳам эътиборга олиш лозим. Маълумки, комбинациялаштирилган йўналишдаги зотли молларни баъзи ҳолларда оширилган даражада озиқлантириш унинг гўшт сифатлари ривожланишини кучайтириб, сутдорлик хусусиятларини пасайтириб қўйиши мумкин. Сут етиштиришга ихтисослаштирилган зотли молларни ўстиришда оширилган даражада озиқлантириш гўштдорликни ривожлантиришга камроқ таъсир кўрсатади.

Жаҳон сутбоп қорамолчилик ривожланишини кузатадиган бўлсак, бу аввало моллар селекцияси жараёнини ҳамда ёш молларни боқишни жадаллаштириш билан узвий боғлиқлигини кўрамиз. Шундан келиб чиқиб, қорамоллар махсулдорлигини ошириш, ва такомиллаштириш, уларни сақлаш ва боқиш шароитида, ўстириш технологиясига яроқли даражсини яхшилашга бўлган талаб селекци наслчилик ишлари ахамиятини кескин кучайтиради.

Бунда ўта муҳим тадбирлардан бири урғочи бузоқларни мақсадли равишда боқиш бўлиб, бу уларни подага анча олдин киритиш ва сермахсул сигир етиштириш имконини беради.

Кейинги йилларда подани тўлдириш учун мўлжалланган бузоқларни мақсадли боқиш кўпгина олимларни эътиборини тортмоқда. Бунда кўпгина тадқиқотчиларнинг фикри хайвонларнинг шаклланишига, улар яшаётган ш Хайвонларни ароитга, озиқлантириш, даражасига катта таъсир кўрсатди.

(Ш.А. Акмалхонов, М. Аширов, 1986, У.Н. Носиров ҳаммуалифлари билан 1989, Т.Х.Икромов, Ш.Н. Мадрахимов, К. Мадаминов 1992).

Бунда рационинг тўла қимматлиги ва озиқлантириш тўри, шунингдек, сақлаш шароити муҳим аҳамият касб этади.Шу нарса аниқланганки, хайвонларнинг яшаш шароитини ўзгартириб, улардаги модда модда алмашинуви ва жадаллилашиш, шу хайвонлар учун мақбул томонга буриш мумкин.шундай усуллардан мақсадли йўналишда боқиш, яъни хайвонларнинг шаклланиши жараёнидан аниқ мақсад ва маълум шароитда фойдаланиш ҳисобланади. Бу эса ёш молларнинг ривожланишини онгли равишда бошқариб, уларда биз учун зарур хусусият ва маҳсулдорликни мужассамлаштириш имконияти берадиган усуллар мужассамдир.

Ҳозирги даврга келиб бузоқларни жадал ўстириш бўйича ва ҳар хил ўсиш даврида уларнинг вазнини ортиши тўғрисида бир қанча тизимлар таркиб топди.

Хайвонларни технология бўйича ўстиришнинг мақсади ва вазифаларига тўла жавоб бериш учун қора молларнинг маҳсулдорлиги ташқи муҳит таъсирида шаклнашидаги ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олиш керак.

Қорамолларни баҳолашда муҳим белгилардан бири, улар ташқи кўриниши ва тана тузилиши бўлиб, у зотларга хос белгиларни тўғри тасаввур қилишга ёрдам беради.

Бундан ташқари мустаҳкам тана тузилишига ҳайвонлар ҳўжалик ҳамда биологик талабларига тўлароқ жавоб беради. Шунинг ҳасобга олиб, ҳайвонлар вазни ўзгаришига қараб улар тўғрисида тўла тасаввур олиш мумкин эмас, чунки ўсиб бораётган организм озик моддалар етишмаслигидан вазнини вақтинча ўзгартирмаган ҳамда ўз танаси ўлчамларини ошириш мумкин. Бундан ташқари ҳайвонлар ўсиш жараёнида улар танаси мутаносиблигини нисбати ўта ўзгариб, тирик вазн ортиши мумкин.

Шунинг учун ҳайвонлар вазни ҳақида маълумотларни уларнинг тана ўзгариши хусусидаги маълумотлар билан тўлдириш зарур деб ёзган эди.

Сермахсул сигирлар етиштириш маълум миқдорда бузоқларни боқиш ва сақлаш шароитлари билан боғлиқдир. Чунки, сут эмиш ва кейинги даврларда яхши боқилган бузоқ сигир бўлиб, туққан энг кўп сут бериши мумкин. Демак, соғлом, яхши ривожланган, ташқи муҳитга чидамли, озуқани тежамли истеъмол қиладиган бузоқларни ўстириш, фақат уларни боқиш жараёнида ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олгандагина мумкин.

У.Н Носиров, И.Хидиров, К.К. Карибоев ҳаммуаллифлари (1987) Бунда улар бузоқлар 24 ойлигида улар тирик вазнини 500-510 кг га етказиш режалаштиришни ва сифатли дағал озуқаларга 10 кунликдан ўргатишни маъқул ҳисоблайдиар.

Ш.Н. Мадрахимов (1992) тадқиқотларида шу нарса аниқланганки, бузоқларни озиклантириш даражасини 24.1 % га оширганда бузоқлардан юқори қўшимча вазн (772.2 ± 3.2 олиш имкониятини берган ва 15 ойликда тирик вазни 382.2 ± 1.35 кг бўлиб қочирилган. Озиклантириш даражаси 12.8 % оширилганда эса, 18 ойда 400кг га етган.

Шунинг қайд қилш керакки, озиклантириш, даражасини оширишдан мақсад подани тезда насли бузоқлар билан тўлдиришдир.

Келтирилган адабиётларни ва тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиб, умумлаштирадиган бўлсак, моллар организми даврлар бўйича ўсади ва ривожланади.

Маълумки ўсиш ва ривожланиш ҳақидаги таълимотнинг даврийлиги қорамолларни йўналтирилган мақсадли боқишнинг услубий асоси ҳисобланади. Моллар ҳаётининг улар ривожланиши маълум давирда озиклантириш ва сақлаш шароитининг ўзгариб, маълум махсулдорликка йўналтирилиши мумкин. Демак, подани тўлдириш учун мўлжалланган бузоқларни боқишни жадаллаштириш, уларни организми шаклланишига таъсир кўрсатиш моллар махсулдорлигини оширишнинг энг муҳим шароитларидан биридир.

Шундай қилиб, келтирилган манбалардан кўриниб турибдики, подани тўлдиришга мўлжалланган бузоқларни боқишни жадаллаштириш подани тиклашни ва таналарни эрта қочириш (14-15 ойда) мушкуллигини исботлайди. Аммо бу тадбирларни амалиётга тадбиқ қилиш, бизнинг фикримизга муҳокама қилинаётган муаммонинг бир қатор қирраларини илмий асослари тўла ишланмаганлигидан кенг қўлланилмаяпти. Жумладан, молларнинг ривожланиши даврида энг кўп сут соғиб олиш учун бузоқларни аниқ қандай жадалликда боқиш тўғрисида аниқ қўлланма йўқ.

Келтирилаётган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики хайвонларнинг индивидуал ривожланиши бирқанча қонуниятлар бўйича ўсади ва ривожланади. Бунинг асосида хайвонларни мақсадли боқиш услубларини қўллаш учун имкон яратади. Хайвонлар ривожланиш даврида озиклантириш ва парваришlash шароитларини яхшилаш, келажакда улардаги юқори махсулдор хайвонлар олиш мумкин.

Шундай қилиб, бузоқларни боқиш ва парваришlashнинг бир қатор усуллари бўлиб уларни хўжалик шароитидан келиб чиққан ҳолда тадбиқ қилиш катта аҳамиятга эга. Бунинг натижасида бузоқлардан келажакда юқори кўрсаткичларга эга бўлган наслдор буқалар ва серсут сигирлар

етиштирилади. Шунини кайд этиш керакки, таналарни интенсив ўстиришда бир ёш ва ундан ошган молларни мўл-кўл озиқлантириш йўли билан барвақт уруғлантириш зарурдир. Бу ҳолда озиқли моддаларнинг бир қисми хомиланинг ривожланишига, кейинчалик эса сут синтезлашга сарфланади ва шу тариқа тана мойланиб семириб кетмайди.

Бироқ, бизнинг фикримизча, бунда зот хусусиятини ҳам эътиборга олиш лозим. Маълумки, комбинациялаштирилган йўналишдаги зотли молларни баъзи ҳолларда оширилган даражада озиқлантириш унинг гўшт сифатлари ривожланишини кучайтириб, сутдорлик хусусиятларини пасайтириб қўйиши мумкин. Сут етиштиришга ихтисослаштирилган зотли молларни ўстиришда оширилган даражада озиқлантириш гўштдорликни ривожлантиришга камроқ таъсир кўрсатади.

Жаҳон сутбоп қорамолчилик ривожланишини кузатадиган бўлсак, бу аввало моллар селекцияси жараёнини ҳамда ёш молларни боқишни жадаллаштириш билан узвий боғлиқлигини кўрамиз. Шундан келиб чиқиб, қорамоллар махсулдорлигини ошириш, ва такомиллаштириш, уларни сақлаш ва боқиш шароитида, ўстириш технологиясига яроқли даражсини яхшилашга бўлган талаб селекция наслчилиги ишлари ахамиятини кескин кучайтиради.

Бунда ўта муҳим тадбирлардан бири урғочи бузоқларни мақсадли равишда боқиш бўлиб, бу уларни подага анча олдин киритиш ва сермахсул сигир етиштириш имконини беради.

Кейинги йилларда подани тўлдириш учун мўлжалланган бузоқларни мақсадли боқиш кўпгина олимларни эътиборини тортмоқда. Бунда кўпгина тадқиқотчиларнинг фикри хайвонларнинг шаклланишига, улар яшаётган шайвонларни шароитга, озиқлантириш, даражасига катта таъсир кўрсатди.

(Ш.А. Акмалхонов, М. Аширов, 1986, У.Н. Носиров ҳаммуалифлари билан 1989, Т.Х.Икромов, Ш.Н. Мадрахимов, К. Мадаминов 1992).

Бунда рационинг тўла қимматлиги ва озиқлантириш тўғри, шунингдек, сақлаш шароити муҳим аҳамият касб этади.

Шу нарса аниқланганки, хайвонларнинг яшаш шароитини ўзгартириб, улардаги модда модда алмашинуви ва жадаллилашиш, шу хайвонлар учун мақбул томонга буриш мумкин.шундай усуллардан мақсадли йўналишда боқиш, яъни хайвонларнинг шаклланиши жараёнидан аниқ мақсад ва маълум шароитда фойдаланиш ҳисобланади. Бу эса ёш молларнинг ривожланишини онгли равишда бошқариб уларда биз учун зарур хусусият ва маҳсулдорликни мужассамлаштириш имконияти берадиган усуллар мужассамдир.

Ҳозирги даврга келиб бузоқларни жадал ўстириш бўйича ва ҳар хил ўсиш даврида уларнинг вазнини ортиши тўғрисида бир қанча тизимлар таркиб топди.

Хайвонларни технология бўйича ўстиришнинг мақсади ва вазифаларига тўла жавоб бериш учун қора молларнинг маҳсулдорлиги ташқи муҳит таъсирида шаклнашидаги ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олиш керак.

III. Асосий қисм

3.3. « Саид Комилхон домла » фермер хўжалигига тавсиф.

Жумладан, Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ тумани «Саид Комилхон домла » фермер хўжалиги 2010 йилда ташкил этилиб. Бу даврда асосий ишлаб чиқариш фаолияти,асосан боғдорчилика ихтисослаштирилган бўлиб, «Саид Комилхон домла » фермер хўжалиги Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ тумани Ийк ота қишлоғида жойлашган. Тошкент шаҳридан 7 км, туман марказидан 24 км узоқликда бўлиб. иқлими тез ўзгарувчан бўлиб, ўртача йиллик харорат 14-15°С, атмосфера намлиги 60-70%гача етади.

Хўжалик Чирчиқ сув олди худудида жойлашган бўлиб, қишда харорат - 20-25°, ёзда эса 6+30-40° иссиқ бўлади. Тупроғи кўнғир бўлиб, сизот сувлари яқин, хосилдорлик даражаси талаб даражасида эмас, паст. Шунинг учун бу ерларни доимо ўғитлаб агротехника тадбирларни юқори савияда ўтказиш лозим.

Хўжалигда экинларни суғориш “Чирчиқ” канали орқали амалга оширилади. Ер майдони 2013 йилларда 16 гектарни ташкил этган эди.Шундан 3.5гектар беда.8 гектар маккажўхори учун экилади. Йил давомида хўжалик 280 тн силос , 7 тн.сомон, 7500 кг беда пичани, майдаланган макажўхохари 1000 кг,майдаланган буғдой 850 кг, кепак 800 кг,пахта шроти1200кг жамғарган.

«Саид Комилхон домла » фермер хўжалиги 2012 йилда имтиёзли кредит хисобидан Польша давлатидан 33 бош, юқори маҳсулдор наслии ғунажинлар келтирилди. Алббата бу озуқалар қорамолларни озиқлантириш учун етишмайди ва хўжалик йил давомида озуқа сотиб олишга мажбур.

Бугунги кунда фермер хўжалиги қарамоғида жами 56 бош қорамол, шундан 25 бош сигир мавжуд бўлиб, кунлик ўртача ҳар бир сигирдан 20-25

кг-дан сут соғиб олинмоқда. Эркак бузоқларнинг кунлик ўсиши 900-1100 граммни ташкил қиляпти. Ҳозирги вақтда фермер хўжалиги асосан сут йўналишидаги қора молларни парваришлаш, уларни фермер хўжаликларига сотиш, шунингдек сут махсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Маълумки Тошкент вилояти хўжаликларида ҳар бир шартли бош насли мол учун 0,30 тадан сувли майдон ажратилган бўлиб, 10 гектар озуқа майдони билан шартли мол боқилиши талаб этилади. Демак, ўртача йилига 5000 кг сут берган сигир учун бир йилга 7500 кг озуқа бирлиги талаб этилса, шундан 70 фоизи ёки 5300 кг озуқа бирлик дағал ва ширали озуқалар ҳисобига тўғри келади, ёки ҳар бир гектар сувли майдондан 18 тонна озуқа бирлиги олинса, 0,30 га сувли майдон билан чорва молининг талабини қондириш мумкин бўлади.

Ҳар бир гектар сувли майдондан фақат оралик экинлар экиш йўли билан 18 тонна ва ундан кўп озуқа бирлиги олиш имконияти мавжуд. «Саид Комилхон домла» фермер хўжалигида қорамолларни озиқлантириш учун тахминан 30 гектар ер майдони етишмайди, шунинг учун хўжалик қўшимча озуқа сотиб олишга мажбур.

Биз ўйлаймизки «Саид Комилхон домла» фермер хўжалиги ҳозирги қишлоқ хўжалигида бўлаётган ислохатлар, модернизация жараёнлари натижасида замонавий талабларга жавоб берадиган чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаради ва юқори кўрсаткичларига эга бўлади.

3.2. Таҳлил услуги, мақсад ва вазифалари.

Подани тўлдиришга мўлжалланган бузоқларни йўналтирилган усулда боқишда ўсиш ва ривожлантиришни таҳлил қилиш ишлари Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ тумани «Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида ўтказилди. Хўжаликда асосан, Польшадан келтирилган қора-ола голштин зотига мансуб сигирлар авлодлари урчитилади.

Таҳлилнинг мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. хўжаликдаги бузоқларни сақлаш ва озиклантириш технолоияси таҳлил қилиш..
2. бузоқларни ўсиши ва ривожланишини таҳлил қилиш.
3. Озуқа сафини ҳисобга олиш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун биз хўжалик шароитларидан келиб чиқиб, қуйидаги услублардан фойдаландик.

Моллар вазнининг ўсишини ҳар ойда бир марта озиклантириш суғоришгача тортиш усули билан ўрганиб борилади.

Тирик вазнининг мутлоқ ўсишини В.И. Фёдоров (1973) формуласи бўйича аниқладик:

$$A = W_t - W_0 / t_1 - t_0 \text{ бунда,}$$

W_0 — дастлабги тирик вазни, кг

W_t — охирги тирик вазни, кг

t_0 — молнинг ўсиш даври бошидаги ёши (кун)

t_1 — молнинг ўсиш даври охиридаги ёши (кун)

Бузоқлар нисбий ўсишини ўсиш ёшлари давлари бўйича С. Броди формуласи бўйича аниқланади:

$$K = W_t - W_0 / 0,5 (W_t - W_0) \times 100 \text{ бунда,}$$

K- ўсишнинг нисбий тезлиги

W_0 — ўсиш даври бошидаги тирик вазни, кг

W_t — ўсиш даври охиридаги тирик вазни, кг

Бузоқлар ўлчамлари ўзгариб боришини Борисенко Е.А. (1967) услуби бўйича қуйидаи 10 та асосли тана ўлчашларини. Елка баландлиги, гавда қия узунлиги, тос кенглиги, ўтиргич суяги кенглиги, кўкрак айланаси, кўкрак чуқурлиги, кўкрак кенглиги каби ўлчамлар асосида таҳлил қилдик.

Экстервер ўлчамларига асосан умумий қабул қилинган усул ёрдамида бир –бирига боғлиқ; тана ўлчамларининг нисбати (индекси)ни ўргандик.

Бунда қуйидаги индекслар ҳисобга олинди: чўзиқлик, суякдорлик, узун-оёқлик, зичлик, тос-кўкрак, кўкрак, вазнлилик.

Озиқлантириш белгиланган кунлик ўсишини таъминлайдиган миқдорда меъёр ва рацион асосида амалга оширилади.

Хўжаликда озуқа сарфини ёш даврлари бўйича ҳисобга олиб боришади. Назорат озиқлантириш икки кун қаторасига оширилиб, бунда берилган ва ейилмай қолинган озуқа қолдиғи ҳисобга олинади. Ҳамда шунга қараб, озуқаларнинг ейилмаганлигини ва озуқа сарфини қоплаш хусусиятлари ўрганилади.

IV. Таҳлил натижалари.

4.1Хўжаликда бузоқларни асраш ва озиклантириш.

« Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида бузоқлар туғилганидан сўнг 5-10 кун давомида ўз онасининг оғиз сутидан баҳраманд бўлади. Сўнгра улар махсус катакларга олинади ва группалаб боқилади. Оғиз сути биринчи марта бузоқлар туғилганидан кейин 1-2 соат ўтгач 1-1.5 кг миқдорда берилади. Уларни озиклантиришдан олдин лаблари, бурун ва юзи яхшилаб артилади. Янги туғилган бузоқларга дастлабки кунлари оғиз сути махсус резинка сўрғичлар ёрдамида кунига 5-6 марта берилса, сўнгра кунига 4 марта аниқ белгиланган вақтларда (кун тартиби асосида) берилади. Бунда бузоқлар ҳамма вақт бир хил миқдордаги сутни якка ҳолда олиши мумкин. Бериладиган оғиз сути ёки соғиб олинган сутнинг температураси 37 градус, тоза ва сифатли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агар бузоқлаган сигирнинг елини касал бўлса ёки сутининг сифати талабга жавоб бермаса, у ҳолда бир вақтда тукқан ёки туғишига кўра бир-икки кунга фарқ қилган сигирларнинг сути ичирилади. Бузоқларга туғилган куни 5-7 кг атрофида оғиз сути ичирилиши яхши натижа беради. Беш кунлик бўлганда 6-10 кг гача кўпайтириш мумкин. Умуман, беш кун ичида уларга 30-45 кг оғиз сути ичирилса, ҳар томонлама яхши натижа беради.

Бузоқларни кўп миқдорда, фақат сигир сути билан боқиш иқтисодий жиҳатдан унча кўп фойда келтирмайди. Бинобарин, уларни сунъий сут, серсув ва дағал озиклар билан таъминлаш иқтисодий самарадорликка эришишда анчагина афзалликларга эга. Бундай тадбирларни бузоқлар туғилганидан сўнг учинчи декададан бошлаш лозим. Бунинг учун бериладиган сигир сутининг миқдори оз-оздан камайтирилиб, унинг ўрнига ёғи олинган сут ва сунъий сут миқдори камайтирилиб борилади.

Озиқлантириш схемалари ва рационлари ўстириш планига ва озиқлантириш нормасига мос равишда бузоқларнинг ўсиши ва ривожланишини таъминлайдиган бўлмоғи керак. Бунда сут ва концентратлар каби қиммат нархли озиқларни тежаб сарфлаш лозим. Туғилгандан кейинги 10-15 кун ичида бузоқлар учун ягона озиқ сут бўлиб, у билан озиқлантириш молнинг вазнига планлаштирилган суткали ўртача ўсишига ўртача боғлиқ бўлади. Бу даврда суткали сут миқдори 5-7 кг ни ташкил этиши керак.

Қаймоқсиз сутни бузоқлар 3-4 ҳафталик бўлгандан кейин, унинг соғлигига, овқат хазм қилиш ҳолатига ва қабул қилинган озиқлантириш схемасига асосан рационал қўшиш лозим.

Сут ичириш нормаси наслчилик қийматига ва бузоқни қандай мақсадларга ўстиришга боғлиқ. Шунинг учун ҳам бузоқларни ўстиришда сут сарфи қўлланилаётган схемаларда 180 дан 350 кг гача қаймоқли сут, 200 дан 500 кг гача қаймоқсиз сутдан иборат.

Сут билан боқиш даврининг давом этиши сут билан боғлиқ равишда 2 ой дан 4-5 ойгача бўлади.

Бузоқларга бериладиган пичан нормаси 3 ойлик бўлгунча 1,3-1,4 кг, 6 ойликда 3 кг гача аста-секин ошириб борилади. Яшашнинг 11 кунидан бошлаб бузоқларга ош тузи ва бўр, 15-20 кунликдан концентратлар берилади. Биринчи марта суткасида 100-150 г яхши эланган сули ёрмаси қўшимча озиқ сифатида берилади, кейин аста-секин майдаланган донлар, (сули, маккажўхори), буғдой кепаги, кунжара, ўт уни, ачитқи, суяк уни ва бошқа компонентлардан иборат концентратлар аралашмасига ўргатилади. 3 ойликлигида концентратлар беришни 1,2-1,6 кг гача етказилади. Унинг нормаси бузоқларга берилаётган сут миқдори, ўт уни ва қўшимча компонентлар қўлланилади.

Биоларда ва майдонларда бузоқлар охурларга эркин бориб келади. Озиқлантириш майдони ҳар бир бошга 45 см тўғри келади. Озиқлантириш асосан яйратиш майдончасида амалга оширилади.

Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, бузоқлар бир ҳим сақлаш шароитида ҳар хил микдорда озуқалар қабул қилинади. Натижада, озиқлантириш даражаси улар организмнинг шаклланишига ва маҳсулдорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Хўжаликда бузоқларни озиқлантириш учун қаймоғи олинмаган сутни соғилгандан кейин дарҳол ичирилади. Бузоқларга сут ёпишқоқ елимли сўргичлар ёрдамида 3 марта ичирилади. Шунинг қайд қилиш керакки, бузоқларга 10 кунгача фақат онасининг сути ичирилади.

Яхши сифатли пичан ейишга бузоқлар ҳаётининг 15 кунидан ўргатилади, омукта еми 20 кунлигидан бера бошланади.

Туғри ва тўла қимматли озиқлар билан озиқлантириш бузоқни муваффақиятли ўстиришда бирдан-бир муҳим омилдир. Бузоқ ўсишга жуда мойил булган ҳаётининг биринчи ойларида, уни сероб озиқлантириб, берилган озуқани тўлиқ ейиши ташвишида бўлмоқ керак. Бунда бериладиган пичан, омукта еми ва илдизмевалар тоза бўлиши учун уларни тез-тез янгилаб турмоқ лозим. Идишлар, охурлар, каттаклар тозаллигига риоя қилиш муҳимдир, озуқа бузилишига йўл қўймаслик керак. Бузоқларнинг нормал ўсиши ва тирик вазни муттасил ошиб бориши учун уларга ҳар хил микдордаги озуқалар керак бўлади. Хўжаликларда амалда қўлланиладиган озиқлантириш нормалари ва схемаларни шахсий мол эгалари ҳам қўллашлари мумкин. 6 ойлик даврга келиб бузоқнинг тирик вазни 135 - 150 кг бўлиши учун уларга қуйидаги микдордаги озуқаларни бериш тавсия этилади (6 ой давомида): сут 250 - 300 кг, ёғи олинган сут 350 - 400 кг, омукта еми – 130-150 кг, силос – 250 - 300 кг, илдизмевалилар - 400 - 450 кг ва пичан 200 – 220 кг. Ушбу озиқлантириш нормаси кам омукта еми билан озиқлантириш тури

хисобланган. Рацион канчалик хилма-хил бўлса, озукаларнинг ейимлиги шунчалик яхшиланади. Шундай булсада озукаларнинг келтирилган умумий микдорини бошка тур озука билан алмаштиришга амал қилиш керак. Бу рационда озукаларни ўрнини босувчи озукалар – сут, ёғи олинган сут, омехта ем, пичан бўлиши мумкин.

Хўжаликдаги бузоқларни ўсиш даврлари бўйича сарфланган озукалар микдори қуйидагича бўлган (1- жадвал).

Ўсиш даврлари бўйича бузоқларнинг ўсишига
сарфланган озукаларни ҳақиқий микдори (1 бошга кг ҳисобида)
жадвал- 1

Озукалар турлари	Ўсиш даврлари (ойпар)
	0-6
Қаймоқли сут.кг	450
Беда пичани.кг	260
Маккажўхори силоси.кг	300
Омухта ем .кг	200
Ош тузи .гр	2200
Озуқа бирлиги	461,4

« Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида қишлоқ даврда бузоқларни 6 ойда ўсишига сарфланган озуқа бирлиги 461,4ни ташкил қилган.

Хўжалик амалда қўлланиладиган озиклантириш нормаларига нормалари ва схемаларига қисман амалқилган ,омухта емни50кг ортиқ сарф қилган.

Хўжаликда бузоқларни 6 ойгача бўлган даврда озиқлантиришнинг схемаси қуйидаги 2 жадвалда келтирилган

Бузоқларни 6 ойгача молхонада бўлган даврида озиқлантиришининг схемаси

Жадвал 2

Ёши		Тирик вазни давр охирида кг	Суткасига бериладиган, кг				
ой	10 кунлик		Соф сут,кг	Беда пичани, кг	Силос,кг	Омухта ем,кг	Ош тузи,гр
	1-нчи		5	-	-	-	5
I	2-нчи		5	ўргатиш		0.1	5
	3-нчи		5	-	-	0.2	10
1-нчи ойда			150			-	10
				0,2	-	0,5	10
II	4-нчи		5	0,3	ўргатиш	0,9	10
	5-нчи		5	0,5	-	1,0	30
	6-нчи		5	10,0	-	24,0	10
2-нчи ойда			150-	0,7	0,5	1,3	10
III	7-нчи		5	1,0	1,0	1,4	10
	8-нчи		5	1,3	1,5	1,6	30
	9-нчи		5	30,0	30	43,0	15
3-нчи ойда	10-нчи		150-	1,5	2	1,6	15

							15
IV	11-нчи			1,5	2	1,5	45
	12-нчи			1,5	3	1,5	15
				45,0	70	46,0	15
1- нчи ойда	13-нчи			2,0	3	1,3	15
	14-нчи			2,5	4	1,1	45
	15-нчи			3	5	0,8	20
				75	120	32,0	20
5-нчи ойда	16-нчи			3	5	0,8	20
	17-нчи			3,5	6	0,7	60
	18-нчи			3,5	7	0,6	60
				100	180	21,0	600
6-нчи ойда							
Жами			450	260	400	215	2200
6 ойда							

Юқорида 2 -жадвалда келтирилган маълумотларда, ҳар бир бузоққа туғилгандан 6 ойгача сарфланган озуқалар миқдори кўрсатилган. Бу даврда бузоқларга қиш пайтида, асосан омухта ем, беда пичани, маккажўхори силоси, ёзда эса омухта ем ва кўк озуқа (кўк беда, маккажўхори) берилади.

4.2. Бузоқларни ўсиши ва ривожланишини таҳлили.

Бузоқларни боқишнинг самарасини кўрсатувчи асосий мезонлардан бири уларнинг ўсиши ва ривожланиши бўлиб, бу мураккаб физиологик жараёнларнинг бир-бири билан боғлиқ бўлиб, тирик вазнининг ва тана ўлчамларининг ортишига, молларнинг тана тузилиши ва шакли ўзгаришида намоён бўлади. Ўсиш ва ривожланиш ёш билан боғлиқ, ҳамда ўз хусусиятларига эга, шу билан бир вақтда бу ҳар бир зотга хос бўлиб, молларнинг конституцияси билан бевосита боғлиқ бўлиб молларни ўсиш қувватини ва тез етилувчанлигини кўрсатувчи белги бўлиб хизмат қилади. Ҳайвонларнинг бу хусусиятини ирсият билан боғлиқ бўлиб, озиқлантириш, сақлаш ва парваришлаш ҳамда бошқа бир қатор ечимлар билан бевосита боғлиқдир.

Қайд қилиб ўтганимиздек, боқишнинг моллар шаклланишига таъсирини ўрганиш мақсадида, биз бузоқларни ўсиш давлари бўйича ўсиб ривожланишини таҳлил қилиш мақсадида, биз «Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида Польшадан келтирилган қора-ола голштин зотига мансуб. бузоқларнинг ўсишини ўргандик. Бунинг учун 3 бошдан бузоқ танлаб олдик.

Булар, қора-ола зотга мансуб бузоқлар: голштирилган бузоқлар – Бара – 7251, Вира-7784, Чара-6284, бу бузоқларнинг ойларга қараб тирик вазни уларнинг қуйидаги 3 жадвалда келтирилган.

Гурухлардаги бузоқларни
тирик вазни ойлар бўйича ўсиши динамикаси

Ўши, ойи	Голштин	
	Тирик вазни	Мутлоқ ўсиши
Туғилганда	32.1	
1-ойлигида	47,8	15.7
2-ойлигида	64,4	16.6
3-ойлигида	85,3	20,9
4-ойлигида	102,6	17.3
5-ойлигида	120,1	18.0
6-ойлигида	138,2	18.1.

Жадвал маълумотларига кўра тажриба участкасида урчитилаётган қора-ола зотига ва голштирилган бузоқларни ойлар бўйича тирик вазни юқори даражада бўлмаган. Тирик вазннинг мутлоқ ўсиши 1 чи ва 2 чи гурухларда 2 чи ва 3 чи ойларда юқори бўлган. Голштирилган бузоқлар қора-ола зотига мансуб бузоқларни мутлоқ ўсиши 2-4 кг га фарқ қилган. Бузоқларнинг ўсиши ва ривожланишини аниқ ўрганиш мақсадида биз гурухлар ўсиш даврларга бўлиб таҳлил қилдик. (4 жадвал).Жадвал 4

Гурухларда бузоқларнинг даврлар бўйича ўсиш динамикаси

Ўсиш даврлари ойлар	Голштин			
	Тирик вазни кг	Мутлоқ ўсиши кг	Ўртача кунли ўсиши гр	Нисбий ўсиши %
0-3	85,3	53,2	591.1	174,6
4-6	138,2	52.9	587.7	341.,32

Гурухлардаги бузоқларнинг даврлар бўйича ўсиши таҳлили шуни кўрсатадики, 0-3 ойларда бузоқларнинг мутлоқ ўсиши, ўртача кунлик, нисбий ўсиш кўрсаткичлари голштин бузоқларда тегишли равишда юқори бўлган, 4-6 ойларда пасайиш кузатилган.(0.2%). Голштин зотли бузоқларни генетик потенцианали юқори бўлади. хўжаликда ўстирилган бузоқларнинг ўсиш даражалари талаб даражасида бўлган.

Ш.Акмальханов (1986) Э.Ю.Карчевский (1980), Н.Шоймуродов (2008) маълумотларига кўра бу хўжаликда бузоқларнинг ўсиш даражаси 1990-2001 йилларда юқори бўлган.

Бузоқлар сут ичиш даври якунлангандан сўнг уларни кундалик ўсиши пасайиб боради. Тегишли равишда кейинчалик бу кўрсаткич бошқа ойларга таъсирланади.

Шундай қилиб, бизнинг таҳлилимиз натижаларини кўрсатишича бузоқлар йўналтирилган ҳолда жадал боқиши, уларни ёшлигида анча юқори вазнга эга бўлишини таъминлаш керак. Бузоқларни тўла озиқлантириш уларни жадал ўстиришига ижобий таъсир этади.

4.3. Бузоқларни экстеръери ва тана индекслари

Зоотехния фанида ҳайвонларнинг тахминий тана тузилиши шакли, экстеръерини ўрганиш билан уларнинг хусусиятлари ва белгилари аниқланади. Экстеръер орқали молларнинг конституцияси, соғломлиги ва маҳсулдорлиги тўғрисида ҳулоса чиқариш мумкин. «Экстеръер» сўзини илк бор Клод Бурже 1797 йил ўзининг илмий ишларида келтирилган.

Бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишини, шунингдек уларни тез етилувчан каби хусусиятлари уларни озиқлантириш, парваришлаш наслдорлик хусусиятларига чамбарчас боғлиқдир. Бу кўрсаткичлар тўла қийматли бўлиши тана тузилиши ва унинг индексларига баҳолашда муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари мустаҳкам тана тузилишига эга ҳайвонлар хўжалик ҳамда биологик талабларга жавоб беради. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳайвонлар вазнига қараб, уларни ўсиши ва ривожланиши тўғрисида тўлиқ тасаввур олиш мумкин эмас. Ҳайвонлар ўсиши жараёнида даврлар бўйича улар танасининг мутаносиблигининг нисбати ўзгариб туради. Бунини ҳисобига тирик вазн ортади. Шунинг учун ҳайвонлар тана ўзгариши ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд қилинганларни ҳисобга олиб ҳайвонлар ўсиши ва ривожланиши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида бузоқларнинг

тана ўлчамлари ва бир-бирига боғлиқ тана ўлчамларининг нисбати индексини ўргандик.

Биз «Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида Польшадан келтирилган қора-ола голштин зотиға мансуб. бузоқларнинг ўсишини ўргандик. (5 жадвал).

Жадвал 5

Бузоқлар ўсиш даврида тана ўлчамлари

Тана ўлчамлари	Голштин	
	Туғилганида см	6 ойли- гида см
Гавда узунлиги	72,4	118,7
Елка баландлиги	70.1	102,9
Думғаза баландлиги	71,9	108,1
Кўкрак кенглиги	18,6	29,2
Тос кенглиги	16,4	28,9
Тос болдир бўғимидаги орқа кенглиги	17,2	27,5
Ўтиргич дўнги кенглиги	10,9	18,6
Кўкрак айланаси	87,0	129,6
Кўкрак чуқурлиги	29,5	47,6
Поча айланаси	12,1	13,8

Жадвалдаги маълумотларга кўра хўжаликда урчителиётган бузоқларни тана ўлчамлари зотга қўйилган талаб даражаси бўлган

Бузоқлар 6 ой бўлган даврларда баландлик ўлчамлари кенглик ўлчамлари паст бўлган.

Умуман урчителиётган бузоқларнинг тана ўлчамлари мутаносиб бўлиб, бироқ уларнинг тана ўлчамлари талаб даражасига тўлиқ жавоб бермайди.

Юқорида қайд қилинган мулохазаларни ҳисобга олиб, бузоқларнинг тана тузилиши мутаносиблиги тўғрисида етарлича тасаввурга эга бўлиши учун уларнинг тана ўлчамлари нисбати индексини таҳлил қилдик. (6 жадвал).

Жадвал 6

Бузоқларнинг тана индекслари, ёшига қараб ўзгариши.

Ёши ойлар	Голштин					
	Тана индекслари					
	Узун оёқлик	Чўзилув- чанлик	Кўкрак	Зичлик	Тос кўкрак	Суякдор- лик
6	55,9	101,2	54,1	109,8	92,5	12,9

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, голштирилган бузоқлар барча ўсиш давларида йирик танага эга бўлганлар, уларда узуноёқлик индекслари барча бузоқларда паст бўлган.

Таҳлил қилинган адабиётлар шарҳида Ш.А.Акмальханов (1984), Э.Ю.Корчесвкий (1980), М.Аширов (1984), Н.Шоймуродов (2008), бузоқлар тўлиқ озиклантирилганда уларнинг тана кенгликлари талаб даражасида бўлган

Шундай қилиб хўжаликда урчитилаётган голштин бузоқларнинг тирик вазни юқори бўлган, бунинг натижасида уларни кейинги ўсиш давларига ўз таъсирини кўрсатган.

4.4. Хўжаликда бузоқларни ўсиши учун озуқа сарфи

Бузоқларни ўсишига, тирик вазнини ошиши энг аввало уларни озиклантириш маълум даражада таъсир кўрсатади. Иқтисодий самарадорлиги тирик вазни озуқа билан қопланишига боғлиқдир. Озиклантириш меъёри юқори, сифатли бўлса, бузоқларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳам юқори бўлади. Бунинг учун 1 кг тирик вазни ўсишига кетган озуқа сарфи ҳисобланади.

Биз хўжаликда юритилаётган йиллик бухгалтерия ҳисоботи асосида бузоқларнинг ўсишига сарф бўлган озуқа миқдорини таҳлил қилдик. Бу маълумотлар қуйидаги 7 жадвалда келтирилган.

Жадвал 7

Даврлар бўйича бузоқларнинг
1 кг тирик вазни озуқа бирлиги сарфи

Ўсиш даври ойлар	Олинган қўшимча вазн кг	Озуқа бирлиги
0-6	106.1	9.22

Биз таҳлил қилган бузоқларни ўсишига сарф бўлган озуқа 6 ойлигида меъёрида бўлган ва 1 кг тирик вазни ўсишига сарф бўлган, 9.22 озуқа бирлигини ташкил қилган.

Бу эса келажакда хўжаликда урчитилаётган хайвонларнинг тирик вазни таннарни ошишига олиб келган. Ҳозирги пайтда хўжалик мутахассислар бу камчиликларни бартараф қилмоқдалар.

V. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги.

Хўжаликнинг даромади унда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига боғлиқдир. Қишлоқ хайвонларининг маҳсулдорлиги юқори бўлса, уларнинг сифати олий даражада бўлса, хўжаликни иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлади.

Биз « Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида бузоқларнинг ойлар бўйича тирик вазнини ўсишини самарадорлиги даражасини таҳлил қилдик (бухгалтерия ҳисоботлари асосида 2013 йил учун).

Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги бузоқларнинг тирик вазнини ўсишини ва ўсиши учун бўлган харажатларни сарфини чиқариш йўли билан аниқладик. Бунда қисман бузоқларнинг тирик вазнини ўсиши учун иш хақи, озуқа сарфи ва бевосита харажатлар ҳисобга олинди. Тадқиқотлар иқтисодий самарадорлиги 8-жадвалда келтирилган.

8-Жадвал.

Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги (1 бош учун)

Кўрсаткичлар	
- 1 бош бузоқдан олинган тирик вазн кг(6-ойда)	101.2
- 1 кг тирик вазн таннархи, (харажатлар ҳисоботдан олинган) сўм .	10582
- 1 бош бузоқдан олинган даромад, сўм	17492
- Олинган соф фойда, сўм	6910
- Иқтисодий самарадорлиги %	65.2

Жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлили шуни кўрсатадики, хўжаликда 1 бош бузоқдан олинган қўшимча 1 кг тирик барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда унинг таннархи 10582 сўмни ташкил этган. Қилинган харажатлар ва соф фойда ҳисобга олган ҳолда сут ишлаб чиқариш хўжаликни самарадорлиги 65.2% га эришилган.

V. Хулосалар

« Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида қилинган тахлиллар натижасида қуйидаги хулосаларга келдик.

1. « Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида урчитилаётган бузоқларни парваришлаш, озиклантириш зоотехникавий тадбирлар асосида олиб борилади,

2. Подада урчитилаётган Польша қора-ола зотига мансуб бузоқларда туғилганда ўртача вазн 32.1 кг, 6 ойликда бузоқларнинг тирик вазни тегишли равишда 138.2 кг ташкил қилган..

3. Голштирилланган бузоқларнинг тирик вазннинг мутлоқ ўсиши қора-ола зотли бузоқларига нисбатан тегишли равишда 3 ойлик 53,2кг, 6 ойлигида 52.9 кг ташкил этган. Бу голшин бузоқларнинг ўсиш энергияси юқори бўлганлигидан далолат беради.

4. Хўжаликда бузоқларнинг тана тузилиши зотга қўйилган стандарт талабаларидан паст бўлган.

5. Хўжаликда бузоқларни ўсишига сарф бўлган озуқа 6 ойлигида меъёрида бўлган ва 1 кг тирик вазни ўсишига сарф бўлган, 9.22 озуқа бирлигини ташкил қилган.

VI. Ишлаб чиқаришга таклифлар

Мен келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни киритмоқчиман.

1. Польша қора-ола голштин зотиға мансуб таналарни ўсиши ва ривожланишига алоҳида эътибор бериш керак.

2. « Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида пода тўлдирувчи бузоқларни ўсишига сарф бўлган озуқа меъёрида бўлиши керак ва 1 кг тирик вазни ўсишига сарф бўлган харажатни камайтириш лозим.

Мен шу таклифларни амалга ошириш тарафдориман.

VII. Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбарлантириш чора-тадбирлари». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Карори ПҚ -308. 23.03.2006 й.
2. И.А.Каримов «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбарлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Карори ПҚ-842 21.04.2008 й.
3. И.А.Каримов «Жахон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида унинг бартараф этишининг йўллари ва чоралари» китоби 20.03.2009 й.
4. Акмальханов Ш.А. «Биолигические и зоотехнические основы ведения молочного скотоводства в Узбекистане. Ташкент 1993 год.
5. Акмалхонов Ш.А. Аширов М.Э. «Бузоқ ва ғунажинларни ўстириш технологияси». Тошкент. 1986 й.
6. Авезов А. ва бошқалар «Қишлоқ хўжалик хайвонларини урчитиш ва наслчилик иши (услубий қўлланма)». Тошкент 2002 йил.
7. Богданов Е.А. Обоснование принципов выращивания молодняка крупного рогатого скота. оғиз Сельхозгиз, 1947
8. Бегучев А.П. Левантин Д.М. «Рекомендации по технологии выращивания молодняка». Москва. 1971 г.
9. Всяких А.С.,Заксенберг М.М.,Дунаев М.И. «Опыт выращивания высокопродуктивных коров. Выращивание ремонтных телок для молочных комплексов». Москва «Колос» 1978 г.
10. Зборовский Л.В. «Интенсивное выращивание телок». Москва 1991 г.
11. Икромов Т.Х., Хидиров М.Х. «Бузоқларни боқиш». Тошкент «Мехнат» 1984 й.
12. Карчевский Э.Ю. «Теория и практика разведения черно-пестрого скота в Узбекистане». Ташкент. 1984 год.

13. Кросато В.Д., Лабонов В.Т., Джапаридзе Т.Г. «Разведение сельскохозяйственных животных». Москва. «Агропромиздат» 1990 г
14. Кудлай М.Н., Попов А.Н. «Интенсивное кормление тёлочек». Ж.Зоотехния, М, 1990 г №7
15. Лискун Е.Ф. Избранные труды. М., Сельхозгиз, 1961. Н.П.Кулешов. Влияние питания на животное тело и на характер продуктивности.М.,Сельхозгиз, 1949.
16. Мадаминов К. «Чорвадорнинг ён дафтари». Т. «Мехнат» 1988 й.
17. Мадрахимов Ш.Н. «Влияние интенсивного выращивания телок швицизированного скота на формирование молочного типа» Автореферат канд. Дисс. Т. 1993г.
18. Мадрахимов Ш.Н. Мадаминов К. «Швицлаштирилган қорамолларнинг подани тўлдиришга мўлжалланган бузоқларни 15 ойгача жадал боқишда ўсиш ва ривожланиши» Тошкент . 1992 й.
19. Носиров Б.Ж. «Рост, развитие и молочная продуктивность животных бушуетской породы и помесей с голландской в условиях Голодной степи Узбекистана» Автореферат канд. Дисс. Новосибирск. 1988 год.
20. Носиров У.Н., Хидиров М.Х., Рахматова Х., Тиясов Х., «Прогрессивная технология интенсивного выращивания молодняка, нетелей и коров первого отёла». Ташкент. 2001 год.
21. Носиров У.Н. «Қорамолчилик». Тошкент. 2000 й.
22. Носиров У.Н., Хидиров И.Х., Карибоев К.К и другие «Рекомендации по интенсивной технологии содержания и выращивания ремонтного молодняка, нетелей и первотелок молочных и молочномясных пород скота в Узбекистане». Ташкент. 1989 г.
23. Самарцев М.И., Ли Б.Д., Мадаминов К «Интенсивное выращивание швецких телок на племя и бычков на откорм в совхозе «Бояут» Сырдарьинской области» Ташкент 1979 г. Тр. УзНИИЖ, вып 32
24. Хамроқулов Р.Х. «Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш». Т. 1999 й.
25. <http://www.google.uz.org>

- 26. <http://www.yandex.ru>
- 27. <http://www.rambler.ru>
- 28. **[http://www. biblus.ru](http://www.biblus.ru)**
- 29. **<http://www.cagateway.org/index>**
- 30. <http://www.ziyonet.uz>